

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash, rost xabar va aqldir.

Imom Moturidiy

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Мухаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчisi

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 04-07/8931-сонли холосаси асосида тайёргланди.



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:
Жамолиддин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:
Зафар Фахриддинов,
*Исломчинослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:
Зарифжон Арслонов

Дизайнер:
Зарифжон Гуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

E-mail: maturidijournal.uz
Web-sahifa: info@moturidiy.uz
Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Zohidjon Islamov.

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

Ramil Adygamov.

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

Zafar Fakhreddinov.

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили 23

Jurabek Chutmatov.

Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри 31

Ahmadkhan Alimov.

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида
фойдаланиш услуби 51

Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

ДИНШУНОСЛИК

Nigora Yusupova.

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг
ҳуқуқий асослари 65

Odiljon Ernazarov.

Shamsuddin Samarcandiying xristianlik haqidagi qarashlari 74

Jurabek Sodikov.

«Ta’vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e’tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili 80

Shahzoda Abduraimova.

Distribution of religious media contents on websites in Germany 90

Behzodbek Soipov.

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамоилиининг
аҳамияти 96

ИСЛОМ ТАРИХИ

Sanabar Djurayeva.

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi 103

Muhabbatkhan Agzamova.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий
ёритишдаги аҳамияти 108

Lola Azimova.

Марказий Осиё цивилизацияси ривожида илмий масканларнинг ўрни 115

Oybek Sotvoldiyev.

«Ат-Табақот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида 122

Zarifjon Arslonov.

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan
mavzular tahlili 130

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Арбайн жанри хусусида 139

Akmalkhan Akmalkhanov.

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini 148

Dilfuza Sagdullaeva.

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услугубий хусусиятлари 156

Feruza Nizamova.

Dehlaviy ijodida badiiyat an’analari 163

Bahodirjon Azamov.

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг
манбашунослик таҳлили 171

Jurabek O. CHUTMATOV,
Scientific Fellow of the Imam Tirmidhi
International Scientific Research Center;
PhD in History.
Shimoliy Darvoza str 3, 190108,
Termiz city, Uzbekistan.
E-mail: termidhi.uz@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/4

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ТАФСИРИНИНГ ИЛК НАШРИ

FIRST PUBLICATION OF TAFSIR BY HAKIM TIRMIDHI

ПЕРВОЕ ИЗДАНИЕ ТАФСИРА ХАКИМА ТИРМИЗИ

КИРИШ

Китоб босиши дастгоҳи XV асрда кашф қилинган бўлса-да, матбаачилик иши жиддий ривожлана бошлаган XIX асргача бўлган илмий хазина айнан қўллэзмаларда сакланиб келмоқда. Шу маънода узок даврлар мобайнида китобатнинг асосий шакли бўлган қўллэзмалар – инсоният эга бўлган энг қимматли бойлик бўлмиш китобнинг асосий тамсилидир. Бугунги кунда ҳам жаҳон кутубхона фонdlарида жуда катта миқдордаги қўллэзмалар мавжуд. Умуман олганда, илм-фанинг энг долзарб масалаларини ечиш ва унинг келажагини белгилашда қўллэзмалар алоҳида аҳамиятга эга экани сир эмас. Табиийки, булар Мовароуннахр илмий-маънавий меросига ҳам тегишли.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом тарихидаги йирик олим ва мутафаккирлардан бири бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун Ҳаким Термизий (820-932) қўплаб исломий илмлар қатори тафсир илмида ҳам етакчи олимлардан саналади. У зотнинг Куръон тафсирига бағищланган алоҳида асари ҳам мавжуд бўлиб, у бугунги кунгача фақат тарихий қайдлар орқали маълум эди.

Бу ҳақдаги маълумотлар Ҳужвирийга (ваф. тахм. 1074) тегишли (Ҳужвирий, 1974:353).

Кейинчалик ушбу муаллифга асосланган ҳолда Абдураҳмон Жомий (1412-1494), Алишер Навоий (1441-1501) ва Аднавайх (ёки Адирнавайх) (XI/XVIII аср) (Аднавайх, 1997:58) ҳам бу ҳақда маълумот берган. Ҳужвирий айтадики: «Дарҳақиқат, у зот тафсир (китоби) бошлаган эди. Уни тугаллашга умр вафо қилмади. Унинг у зот битишга ултурганига қадар бўлган қисми илм аҳли ўртасида тарқалгандир». Бу ушбу тафсирдан ўтмишда кишилар фойдаланганлигини билдиради. Жомий дейди: «У зот Куръон тафсири борасида (китоб) бошлаган эди, аммо уни тугатмасидан олдин вафот этди» (Жомий, 1989:397). Алишер Навоий ҳам бу ҳақда Ҳужвирий ва Жомийга таянган ҳолда маълумот беради: «...ва бир тафсир ҳам ибтидо қилғондур. Аммо итномига умр вафо қилмайдур» (Навоий, 2001:79). Аммо Жомий ва Навоий асарларида Ҳужвирийда мавжуд «Унинг у зот битишга ултурганига қадар бўлган қисми илм аҳли ўртасида тарқалгандир» жумласи келтирилмаган. Эҳтимол, бу маълумот қўллэзмадан тушиб қолган ёки улар ушбу асарга дуч келишмаган, Ҳужвирий эса бевосита ушбу асар билан таниш бўлган.

Ушбу тафсир шу пайтгача тадқиқотчилар томонидан тузиладиган Термизий асарлари рўйхатида ҳам «йўқолган» ёки «Ҳужвирийнинг китобида келган», деб қайд этиб келинади (Броккелман, 1977:71; Heer, 1959: 132; Massignon, 1997:194; Masud, 1965:324; al-Geyoushi, 1970:187; Заҳрий, 2013:296-298; Çift, 2008:174).

Хусайнин эса ушбу тафсир Термизийнинг «Ғавр ал-умур» (Ишларнинг асоси) ёки «Китоб аъзоу ван-нафс ва тафсиру оёту азима» (Аъзолар ва нафс ҳамда улуғ оятлар тафсири) деб аталағидиган китоби эканин таҳмин қиласи ва дейди: «Аммо Термизийнинг тафсирга бағищланган маҳсус асари бўлиши мумкинлигига келсак, унинг хабари бизга Ҳужвирийнинг қисқа ишораси орқалигина этиб келган. Агар, китобни ёзишда Термизий ўз мазҳаби ва ўзига хос йўлига асосланган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсан, бу каби тафсирнинг аҳамияти улкан бўлади» (Хусайнин, 1968:21).

МУҲОКАМА

Тадқиқот жараёнинда эса Мадина шаҳридаги Ислом университети (Islamic University) журналиниг 1406 йил муҳаррам ойи / 1986 йил октябрь ойи сонидаги 65-80 саҳифалардан ўрин олган доктор Ҳикмат Башир Ёсиннинг «Истидрокот ала китоб тарих ат-туррос ал-арабий фи кутуб

Аннотация. Бугунги кунда турли шаклларда юзага чиқаётган дүнё миқёсдаги ихтилофлар исломий илмлар борасидаги Мовароуннахр илмий меросининг аҳамиятини яқылроқ намоён этмоқда. Үларни тадқиқ этишидаги энг устувор вазифалардан бири алломаларимиз меросини айри ҳолатларда эмас, балки мактаб сифатида яхшит ўрганиш, фикрий тадрижини баҳолаш, ворисийлик тамойилларини аниқлаш ва умумий хусусиятни белгилашдир. Яна бир долзарб масала эса бүнинг учун имкон қадар ҳали қўллэзма ҳолида турган кўплаб асарларни илмий муомалага киритишидир.

Ҳаким Термизийнинг дүнё тадқиқотчилари томонидан «йўқолган» деб ҳисобланиб келаётган тафсирга оид асарининг топиб ўрганилиши ҳам Мовароуннахрдаги тафсир илми услубининг шаклланиши масалалари борасида қимматли хуносаларни тақдим этиши билан гоятда қийматли бўлди. Ушбу асар ва умуман Термизийнинг Куръон тафсирига оид мероси ўзида кўплаб муҳим хусусиятларни жамлайди. У, жумладан, ҳали Имом Мотуридидан бир оз олдинроқ ақлий ва нақлий жиҳозларни жамлаши, шу билан бирга тафсир илми тарихида биринчилардан бўлиб ақлий ёки рай билан тафсир қилишининг шартларини баён қилиши билан ҳам ажралиб туради. Асарнинг бундан бошқа ҳам муҳим хусусиятлари кўп бўлиб, Ҳаким Термизийнинг таниқли тадқиқотчиси Халид Захрий таъбири билан айтганда у улуг кашифиёт сифатида баҳоланишига ҳақли.

Ҳаким Термизийнинг ушбу тафсири Имом Термизий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказида тадқиқ этилиб, «Китаб тафсир ал-Куръон ал-мусамма баҳр ат-тафсир» номи билан араб тилида илк бор чоп қилинди. Унга «Ва талиҳи мұқтатофат мин тағасиyr ал-Ҳаким ат-Термизий ли-баъзил аят» номли қўшимча қисм ҳам киритилди. Ушбу асар Истанбулнинг «Дор ал-кутуб ал-арабийя» нашриётида 1444/2023 йилда нашр этилди.

Калим сўзлар: тафсир, қўллэзма, Бурдур, Ҳаким Термизий, Мотуриди, Нажжор, Мовароуннахр, ақл, нақл, Истанбул.

Abstract. Today, worldwide conflicts arising in various forms clearly demonstrate the importance of the scientific heritage of Mawarannahr in the field of Islamic sciences. One of the most important tasks in their research is to study the heritage of our scholars not in individual cases, but as a whole school, to evaluate intellectual development, to clarify the principles of continuity and to determine the general character. Another pressing issue is to introduce into scientific circulation as many works as possible that are still in manuscript form.

The discovery and study of Hakim Tirmidhi's work on tafsir, considered «lost» by world researchers, was also extremely valuable, as it allowed us to draw valuable conclusions on the formation of the method of tafsir science in Transoxiana. This work and Tirmidhi's legacy of Qur'anic interpretation as a whole contain many important features. Among other things, he is distinguished by the fact that he combines the rational and traditional method a little earlier than Imam Maturidi, and at the same time he was one of the first in the history of the science of tafsir to describe the conditions of the rational method of tafsir. The work has many other important features and, according to Khalid Zahri, the famous researcher of Hakim Tirmidhi, deserves to be considered a great discovery.

This tafsir of Hakim Tirmidhi was researched at the Imam Tirmidhi International Scientific Research Center and published for the first time in Arabic under the title «Kitab Tafsir al-Qur'an al-Musamma Bahr al-Tafsir». An additional part was added to it called «Wa talihi muktatafat min tafsir al-Hakim at-Tirmidhi li-ba'dh al-ayat». This work was published in 1444/2023 by «Dar al-Kutub al-Arabiyya» in Istanbul.

Keywords: Tafsir, manuscript, Burdur, Hakim Tirmidhi, Maturidi, Najjar, Transoxiana (Mawarannahr), rationality, tradition, Istanbul.

Аннотация. Сегидня мировые конфликты, возникающие в различных формах, наглядно демонстрируют важность научного наследия Моваруннахра в области исламских наук. Одна из важнейших задач в их исследованиях – изучить наследие наших учёных не в отдельных случаях, а в целом школы, оценить интеллектуальное развитие, уточнить принципы преемственности и определить общий характер. Другой актуальный вопрос – ввести в научный оборот как можно больше работ, находящихся еще в рукописном виде.

Открытие и изучение труда Хакима Тирмизи по тафсиру, считающегося «утраченным» мировыми исследователями, также имело чрезвычайно ценное значение, поскольку позволило сделать ценные выводы по вопросам становления метода тафсирной науки в Мавераннахре. Эта работа и наследие Тирмизи по толкованию Корана в целом содержит много важных особенностей. Помимо прочего, его отличает то, что он совмещает рациональный и традиционный метод чуть раньше чем Имам Мотуриди, и в то же время он был одним из первых в истории науки тафсира, кто описал условия рационального метода тафсира. Работа имеет множество других важных особенностей и, по мнению Халида Захри, известного исследователя Хакима Тирмизи, имеет право считаться великим открытием.

Этот тафсир Хакима Тирмизи был исследован в Международном научно-исследовательском центре имама Тирмизи и опубликован на арабском языке под названием «Китаб Тафсир аль-Коран аль-мусамма Баҳр ат-тафсир». К нему была добавлена дополнительная часть под названием «Ва талиҳи мұқтатофат мин тағасиyr ал-Ҳаким ат-Термизий ли-ба'зил аят». Данная работа была опубликована в 1444/2023 году в издательстве «Дор ал-кутуб аль-арабия» в Стамбуле.

Ключевые слова: Тафсир, рукопись, Бурдур, Ҳаким Тирмизи, Матуриди, Нажжар, Мавераннахр, рациональность, традиция, Стамбул.

ат-тафсир» («Араб тилидаги мероси тарихи» китобига тафсир ҳақидаги китоблар масаласида қўшимчалар) мақоласидаги қўйидаги маълумотга дуч келдик: «Ҳаким Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али Ҳаким Термизий (932 йилда вафот этган). Тафсир ал-Қуръон. Унинг бир нусхаси Бурдурдаги Ватан (Миллий) кутубхонасида 143-рақам остида сақланади. У 134 варакдан иборат бўлиб, 1154 йилда қўчирилган». Ушбу мақолада тафсирга оид қўлёзмалар ҳақида сўз юритилиб, ушбу тафсир унда 34 рақам остида қайд қилинган. Келтирилган «Бурдур» Туркия шаҳарларидан биридир. Ҳикмат Башир Ёсин бу маълумотни кейинчалик ўзи нашр қилган китобига ҳам киритган (Ҳикмат, 2011:191). Бундан олдин эса ушбу тафсир ҳақидаги маълумот 1989 йил нашр этилган қўлёзмалар феҳрисида ҳам борлиги маълум бўлди ва Ҳикмат Башир Ёсин ўз мақоласида ушбу феҳрисга ҳам ҳавола берган (ал-Феҳрис, 1989:41).

Қўлёзмани ўрганиб қўриш жараёнида маълум бўлди, у Туркиянинг Бурдур шаҳридаги Миллий кутубхонада 143-рақам остида сақланмоқда. Унинг матн қисми 139 бет, яъни 70 варакдан, ҳар бир бет икки колонкадан иборат. У 1154 йилда Шарофиддин Мұхаммад ибн Абдулваҳҳоб ибн Абдулвоҳид ибн Мұхаммад ибн Али Анзорий Ҳусайний асли Шерозий Димашқий Ҳанбалий томонидан қўчирилган. Аникроғи, қўлёзманинг 52-бетида «Фотиҳа» сураси тафсири тугаллангандан сўнг шундай қайд мавжуд: «Мұхаммад ибн Абдулваҳҳоб ибн Абдулвоҳид ибн Мұхаммад ибн Али Анзорий Ҳусайний «ал-Ҳамд» сурасининг тафсирини кўчиришдан қирқ тўққизинчи йил зулҳижжа ойининг биринчи куни наҳорида муваффақиятли тарзда фориг бўлди». Аммо, ушбу асар «Tefsirü Sureti'l-Fatiha ve Hayratihî» (Фотиҳа сураси тафсири ва унинг яхшиликлари) номи билан сақлангани туфайли унинг Ҳаким Термизийга мансублиги узоқ йиллар, ҳатто асрлар давомида билинмай келган бўлиши мумкин. Ҳатто, Бурдур кутубхонаси вакиллари ҳам Ҳаким Термизий тафсири қўлёзмаси ўзларида сақланишларидан бехабар эканлари маълум бўлди.

Носихга келсак, у «Мұхаммад ибн Абдулваҳҳоб ибн Абдулвоҳид ибн Мұхаммад ибн Али Шерозий ал-асл Ҳанбалий Шарофуддин ибн Шарофулислом»дир (Бурадий, 2001:654). У ҳақда Ибн Ражаб (1335-1393) маълумот берган ва вафотини қайд этмаган. Ушбу Шерозий «факих, фароиз олими, ғазавотлар тарихини билувчи, тушларни таъбир этувчи эди. Тижорат билан

шуғулланар, подшоҳлар олдига кириб юрмасди. Вафот этгач, Кичик дарвозада дафн этилди» (Ибн Ражаб, 2005:377). Ибн Ражаб қайд этилган асарида уни иниси Нажмиддин ибн Абдулваҳҳобнинг таржимаи ҳолида зикр этган ва Нажмиддиннинг ҳаёт саналарини 498-586/1104-1190 эканини қайд этган (Ибн Ражаб, 2005:374-375). Бундан маълум бўладики, қўлёзмадаги «қирқ тўққизинчи йил зулҳижжа ойи» 549 йил бўлиб, у милодий 1155 йилга тўғри келади.

Қўлёзмани нашрга тайёрлаш жараёнида ушбу тафсирнинг икки кичик бўлаги алоҳида ҳолда нашр этилгани маълум бўлди. Буларнинг биринчиси асарнинг дастлабки кириш қисми бўлиб, у марокашлик олим Холид Заҳрий ва франциялик Женевьев Кобило томонидан 2005 йилда нашр этилган «Рисолатон мансубатон лил-Ҳаким ат-Термизий» (Ҳаким Термизийга мансуб икки рисола) китобидадир. Бу рисолада Ҳаким Термизийнинг икки рисоласи бор: «Масъала фи ҳалқ ал-инсон» (Инсон яралиши-тузилиши масаласи) ва «Рисола фи ҳалқ ал-одамий» (Одам яралиши-тузилиши масаласига оид рисола). Охирги рисола аслида «Тафсир»нинг кириш қисмидир. Унда қайд этилишича, ушбу икки рисола қўлёзмаси Истанбулдаги Валийюддин кутубхонасида 770-рақам остида сақланади. Биринчи қўлёзма, ушбу рақам остидаги мажмуанинг 9-рақамлиси бўлиб, 1776-1826 вараклари, иккинчиси эса 13-рақамлиси ва охиргиси бўлиб, 1946-200а варакларни ўз ичига олади (21 сатрдан, 15×23). Ушбу қўлёзманинг кўчирилиш санаси қайд этилмаган бўлса ҳам, унга эгалик қилиш масаласидаги қайдларда 888 (1483) санаси мавжуд (Рисолатон, 2005:15). У «Тафсир» қўлёзмасининг 1-10 бетларини ташкил этади. Аммо, таъкидлаш лозимки, тадқиқотчилар унинг Термизийнинг қидирилаётган тафсир асарининг кириш қисми эканини билишмаган ва уни мустақил рисола сифатида нашр этишган. «Тафсир»ни нашрга тайёрлаш жараёнида ушбу рисоладан фойдаланилди, маълум бўлишича, икки қўлёзма бир-бирини тўлдирувчи ва тўғриловчи хусусиятларга эга бўлиб, буни асар нашрида акс эттирдик.

Китобнинг яна бир қисми эса бошқа муаллиф орқали етиб келган. Абу Мұхаммад Тохир ибн Аҳмад ибн Мұхаммад Қазвиний Нажжор (ваф. 1179-1180) «Шарҳ нахв ал-будувв» (Бошлангич нахв шарҳи) рисоласида Ҳаким Термизийнинг ушбу «Тафсир»да келган нахв илмининг ибтидоси ҳақидаги сўзларини шарҳлаган. Диққатга сазовор жиҳати, Имом Нажжор бу рисоласида

дэйди: «Термизийнинг каломидан бўлган ушбу сўзларнинг асли у зотнинг таснифларидан бўлган «Фотиҳа» сураси тафсиридадир. Бир жамоа кишилар тушунилиши мураккаб бўлгани учун уни олиб ташлашди. Аммо у Имом (Ҳаким Термизий) раҳимаҳуллоҳ тасниф қилган нусхада мен уни ҳарфма-ҳарф нақл этганимдек зикр этилган. Ўйлашимча, бугунгача ҳеч ким унинг маъноларини чиқариб олишга эътиборини каратмади ва уни эътиборсиз қолдиришиди. У зот унда нахвнинг барча усувлари ва эъроблар ҳаракатини қиска услугуда келтирган. Уни мен шарҳладим, агар Аллоҳ таоло осон қилса, уни дикқат билан синчилаб текшираман ва ундан нахвнинг марфуот, мансубот, мажруот ва тавобеларидан иборат нахвнинг барча нарсаларини муаллиф баён этган услугуга кўра бомба-боб чиқариб оламан. Муваффақ қилувчи Аллоҳдир».

Ушбу рисола қўлёзмаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасидаги Шаҳид Али Пошо қисмидаги 1216-ракамли Имом Нажжор китоблари мажмуасидаги 15a-20a вараглардан иборат. Унинг ёзилиш ёки қўчирилиш саналари қайд этилмаган. Ушбу рисолани туркиялик тадқиқотчи Меҳмет Форук Чифчи тадқиқ этиб, 2017 йилда нашр эттирган ва унинг биргина нусхадан бошқасини топа олмаганини қайд этган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бу Термизийнинг бизгача етиб келмаган «Тафсир»ининг бир қисми экани билан қийматли ва Имом Нажжорнинг унга шарҳ битиши Ҳужвирийнинг «Тафсирнинг Термизий битишга улгурганига қадар бўлган қисми илм ахли ўртасида тарқалган», деган маънодаги сўzlари ҳақлигини тасдиклайди (Çifçi, 2015:113-133; Çifçi, 2017:453-470).

Таъкидлаш лозимки, «Тафсир» нашрига асос сифатида фойдаланилган қўлёзма нусхада нахв илмига оид ушбу қисм мавжуд (23-25-бетлар). Уни Чифчи нашр эттирган Имом Нажжор матни билан солиширганимизда икки матн бир-бирини тўлдириши маълум бўлди ва буни асар нашри изоҳида акс эттирилди. Шунингдек, «Тафсир» нашрида Нажжорнинг Термизий сўzlарига берган шарҳини изоҳ қисмда тўлиқ келтирдик.

Умуман, Ҳаким Термизий ушбу тафсирда ўзининг «Илм ал-авлиё» китоби номини тўққиз бор (етти бор «Илм ал-авлиё», икки бор «Китоб ал-авлиё» шаклида), «Наводир ал-усул», «Китоб ал-ҳаж», «Китоб ас-савм» «Китоб ал-фурук» китоблари номини бир мартадан зикр қилган.

«Китоб ас-салот»ни эса номини қайд этмаган бўлса-да, унга намоз ҳақида сўз юритган ўрнида ишора қилган: «Бу қайтариқнинг тафсирини ўз ўрнида баён этганимиз». Ушбу асар олимнинг «ал-Манҳиёт» китоби ҳам бўлиши мумкин.

Ҳаким Термизийнинг тафсирга оид қўлёзмаси Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими Жўрабек Ҷўтматов томонидан танқидий таҳлил этилган ҳолда «Китоб тафсир ал-Қуръон ал-мусаммо баҳр ат-тафсир» номи билан араб тилида илк бор чоп қилинди. Унга «Ва талийҳи муқтатофат мин тафосир ал-Ҳаким ат-Термизий ли-баъз ал-оёт» номли қўшимча қисм ҳам киритилди. Ушбу асар Истанбулнинг «Дор ал-кутуб ал-арабийя» нашриётида 2023 йилда нашр этилди (Биринчи нашр). Китоб таҳририда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходимлари Маҳмуд Нормуродов, Фахриддин Худойназаров, Аббосхон Абдуллаев ва Умарали Ўлжаевлар ҳам иштирок этилди. Умумий таҳрир эса Холид Заҳрий томонидан амалга оширилди.

Китобнинг номланишига келсак, дастлаб иш жараёнида «Тафир ал-Ҳаким ат-Термизий» деб номланди. Китобнинг дастлабки бетларида келган маълумотда шундай ном қайд этилган:

كتاب فيه تفسير سورة الفاتحة وآيات من سورة البقرة للشيخ الإمام
أبي عبد الله محمد بن علي الترمذى

«Китоб фиҳи тафсир сура ал-Фотиҳа ва оёт мин сура ал-Бақара лиш-Шайх ал-Имом Аби Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий» (Унда «Фотиҳа» сураси ва «Бақара» сурасининг айрим оятлари тафсири бўлган Шайх, Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Термизийга мансуб китоб).

Кейинчалик Холид Заҳрий ушбу асар билан батағсил танишиб чиққач, китобнинг номланиши масаласида ўз таклифларини ўртага қўйди. Олимнинг ўз муқаддимасида қайд этишича, қўлёзма асар номини белгилашнинг бир қатор усувлари бор:

1. Дастлаб, қўлёзманинг дастлабки ва сўнгти саҳифаларига эътибор қаратилади. Унда муаллиф ёки носих қайд қилган ном эътиборли бўлади;

2. Сўнг, муаллиф уни бошқа асарларида қандай ном билан атагани эътиборга олинади;

3. Сўнгра, олимлар томонидан қайд этилган номга эътибор қаратилади, чунки улар номи қайд этилмаган асарга ном таклиф қилишади ва бу олимлар орасида ишлатилади;

4. Юқоридагилардан натижага ҳосил бўлмаса, китобнинг барча жиҳатлари дикқат билан таҳлил этилган ҳолда унга муносиб ном қўйишга ҳаракат қилинади ҳамда бунда асарда ишлатилган алоҳида

номлар ва истилохлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қўлёзмага боғлиқ вазиятда эса биз тўртинчи йўлга муҳтоҷ бўламиз. Чунки Термизийнинг ўзи китобга бирон номни қайд этмаган, олимлар ҳам уни фақат «Тафсир» сифатида қайд этишган. Демак, номни энди қўлёзманинг ўзидан қидириш лозим бўлади ва бунда асар дикқат билан таҳлил этилиши талаб этилади. Ҳаким Термизий бу асарида «Китоб» («Буни китобнинг аввалида шарҳлаганмиз»), «Тафсир» («Бунинг тафсирини фақат лугат олимлари, лугат илми ҳукамолари, зоҳир ҳикмати ҳукамолари ва ботин ҳикмати ҳукамолари билади. Ўшалар тафсир ахлидирлар. Қолганлар бундан ожиз шогирдлардир»), «Тафсир ал-Қуръон» («Одамларнинг Қуръон тафсирига эҳтиёжи бор. Қуръон тафсири эса унинг маъноларини кашф этиш ва юзага чиқаришдир») каби номларни ишлатган. Шу билан бирга, Ҳаким Термизий ушбу қўлёзманинг 106-бетида «Бақара» сурасидаги бир оятнинг тафсирини якунлар экан, кейинги оятни келтириб, унинг тафсирига ўтишдан олдин дейди:

وَاللَّهُ الْمُوَّقِّعُ وَالْمَادِيُّ بِحَرَقَتِسِير

«Валлоҳул муваффик вал-ҳодий баҳр ат-тафсир» (Аллоҳ баҳр ат-тафсир (Тафсир денгизи)га муваффақ ва ҳидоят қилувчидир).

Бу ўринда «Баҳр ат-тафсир» ибораси олдинги ва кейинги маънолар боғламидан узилган ҳолда алоҳида келган, у ўзидан олдинги ва кейинги жумлаларга алоқадорлик касб этмаган. Холид Захрий шундай ёзади: «Бу иборага узоқ назар қилдим, агарки эҳтимолдан йироқ бўлган бир таъвил билан бўлса ҳам унинг маъно сиёқига уйғунлигини топишга ҳаракат қилдим, лекин бунинг бирон натижаси бўлмади». Олим сўзини давом эттириб дейдик, бу хато ёзилган ибора ҳам эмас экан, унда бу ибора бизга асар номини чиқаришда ундан ҳам фойдаланиш имконини беради. Асар номида муаллиф ҳам қайд этилса, у охирги бўлак бўлади. Бу мавжуд одат бўлиб, «Тафсири Табарий», «Тафсири Саълабий», «Тафсири Замахшарий» ва бошқа шу каби кўплаб номларда акс этган. Демак, Термизий ўзи китобда ишлатган номлар «Тафсир», «Тафсир ал-Қуръон», «Китоб» ва «Баҳр ат-тафсир» каби номларни бирлаштирасак, «Баҳр ат-тафсир» ва «Китоб тафсир ал-Қуръон» бирикмалари пайдо бўлади ва улар бир-бирига тўғридан-тўғри боғланмайди. Бундай ҳолда эса арабий китоблар номланишида қўлланадиган ва икки маънони боғлайдиган сўз бўлган «ал-мусаммо» (номланиш)

сўзини ишлатиш мумкин бўлади. Бунда қуйидаги жумла ҳосил бўлади: «Китаб тафсир ал-Қуръан ал-мусамма баҳр ат-тафсир». Энди ушбу асарни муаллифига нисбат бериш босқичи қолади ва якуний кўриниши: «Китоб тафсир ал-Ҳаким ат-Термизий ал-мусаммо баҳр ат-тафсир» (Ҳаким Термизийнинг «Баҳр ат-тафсир» (Тафсир денгизи) деб номланган тафсир китоби) шаклига келади (Термизий, 2023:44-47). Ўз навбатида соҳасининг етук мутахассиси бўлган Холид Захрийнинг ушбу фикрларига қўшилган ҳолда асарга ушбу ном қабул қилинди.

Ушбу нашр бир неча қисмлардан ташкил топган:

1. Дастреб китоб Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холикназарнинг кириш қисми билан бошланган (Термизий, 2023:5-7). Унда илмнинг фазли, қўлёзмалар тадқики аҳамияти, Ҳаким Термизий меросининг қадри ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

2. Шундан сўнг унга Марокашдаги Татвон шаҳридаги Абдулмалик Саъдий университетининг «Усул ад-дин» факультети ақида илми бўйича профессори доктор Холид Захрий томонидан 40 бетлик «Муқаддима» битилган. Ушбу кириш қисмнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда Ҳаким Термизий ижоди билан боғлиқ сўнгги хуласалар ва янги жиҳатлар очиб берилган. Тафсир ва унинг аҳамияти ҳақида ниҳоятда синчковлик билан сўз юритилган ҳамда асарнинг улкан фойдалари мавзуларга бўлган ҳолда чуқур таҳлил этилган (Термизий, 2023:9-48).

3. Ундан сўнг китоб тадқиқотчисининг муқаддимаси ўрин олган бўлиб, унда Термиз ва Термизийларнинг ислом дунёсидаги ўрнига тўхталиниди. Жумладан, Термизга исломнинг кириб келиши, Термизда яшаган саҳоба ва Термизий нисбасидаги табаа тобеинлар, Термизнинг тафсир, ҳадис, ақида, фиқҳ, тасаввуф борасида ўзига хос мактаб ўлароқ тараққий топгани охирги илмий янгиликлар асосида кўрсатиб берилди. Сўнг, Ҳаким Термизий қарашларига тўхталиб, олимнинг маърифат, авлиёлик, психология, «мақосид аш-шария» каби йўналишлардаги бирламчилиги кўрсатилган ҳолда, унинг исломий ҳикмат назарияси асосчиси экани ҳам очиб берилди. Шундан сўнг тафсир, унинг қўлёзмалари ва қўлёзмани тадқиқ қилиш доирасида бажарилган ишлар кўрсатиб ўтилди ҳамда қўлёзманинг дастлабки ва охирги бетларидан намуналар берилди (Термизий, 2023: 49-138).

4. Сүнгра, бевосита Ҳаким Термизийнинг тафсирга оид асари матнига ўтилди. Ушбу тафсирда Фотиха сураси тўлиқ, Бақара сурасининг айрим оятлари тафсир қилинган. Чунки, таъкидланганидай, ушбу тафсирни тугатишга муаллифнинг умри етмаган (Термизий, 2023:139-600).

5. Кейин китобнинг «Муқтатофат мин тафасиyr ал-Ҳаким ат-Термизий ли-бæзил айат» (Ҳаким Термизийнинг баъзи оятларга қилган тафсирларидан намуналар), деб номланган қисм бошланиб, у тафсирга алоҳида қисм сифатида илова қилинди. Унда Ҳаким Термизийнинг бошқа тафсирларда нақл этилган тафсирга оид ривоятлари келтирилди. Бу қисмда Имом Абу Лайс Самарқандийнинг «Баҳр ал-улум», Суламийнинг «Ҳақоқиқ ат-тафсир» ва ушбу тафсирнинг давоми бўлган «Зиёдот» қисми, Абу Исҳоқ Нишопурийнинг «ал-Кашф вал-баён», Абулфарож Ибн Жавзийнинг «Зод ал-масир фи илм ат-тафсир», Фахриддин Розийнинг «Мағотеҳ ал-ғайб», Қуртубийнинг «ал-Жоме ли-аҳқом ал-Қуръон», Абул Баракот Насафийнинг «Мадорик ат-танзил ва ҳақоқиқ ат-таъвил», Абу Ҳайён Андалусийнинг «ал-Баҳр ал-мухит», Абу Зайд Саолибийнинг «ал-Жавоҳир ал-хисон фи тафсир ал-Қуръон», Ширбинийнинг «ас-Сирож ал-мунир», И smoил Ҳаққий Бурсавийнинг «Рух ал-баён», Ибн Ажабанинг «ал-Баҳр ал-мадид фи тафсир ал-Қуръон ал-мажид» каби асарларида Ҳаким Термизийдан нақл этилган Қуръон оятлари тафсирига оид ривоятлар жамланди. Ушбу жараёнда Ҳаким Термизийнинг «Мушкил ал-Қуръон» (Қуръоннинг англаш чуқур баҳс талаб этадиган жиҳатлари) номли асари ҳам борлиги ва у Қуртубий тафсирида қайд этилгани ва муаллиф ундан нақл этгани аниқланди. Таъкидлаш лозимки, ушбу асар ҳам Термизий тадқиқотчилари эътиборига тушмаган ва ҳозирча қаердалиги номаълум (Термизий, 2023:601-692).

6. Кейин, илмий нашр қоидаларига мувофиқ тарзда оят, ҳадис ва ривоятлар кўрсаткичи келтирилди. Ушбу кўрсаткичларда оятлар Қуръонда келган тартибига кўра жойлаштирилди (Фотиха, Бақара, Олим Имрон...), ҳадис ва ривоятлар эса алифбо ҳарфлари тартибida келтирилди (...ب، ل، ح...) ва улар чоп этилган асарнинг қайси бетида келгани кўрсатилди. Умуман, ушбу «Тафсир»да 72 сурадан оятлар келтирилган (Термизий, 2023:725-745).

7. Сўнг, фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилди. Унда 210 адабиёт мавжуд (Термизий, 2023:745-771).

НАТИЖА

Ҳаким Термизий «Тафсир»ининг аҳамиятига келсак, ушбу асарнинг ўзига хос жиҳатлари кўп. Масалан, у кейинчалик услугуб жиҳатдан Мовароуннаҳр тафсир мактабининг асосини шакллантиришда катта ўрин тутгани шубҳасиз. Бугунги тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, Имом Мотуридийнинг тафсирдаги услуги таҳлил ва танқидий назарга асосланган. Бу эса Мотуридийдан олдинги тафсирларда одатланилмаган хусусият эди. Чунки, уларда фақат ривоятга асосланилиб, муфассирнинг ўзи томонидан танқидий назар, очиқлаш ва таҳлил кўзга ташланмасди. «Таъвилот» асари ношири доктор Маждий Босаллумга кўра, «Имом Мотуридий эса ўзидан кейин келувчиларга ақл ва нақлни биргалиқда ишлатган ҳолда таҳлил, шарҳ ва оятлар таъвили борасида кенг йўл тутиш учун улкан имкониятлар эшигини очиб кетди. Дарҳақиқат, Мотуридий ўз тафсирида ақлни ишлатишга кенг йўл берди, аммо бу шаръий матнга боғлиқ ҳолда эди. Бу эса янги йўналишлардан бири эди. Зоро, Мотуридий ақл ва нақл орасида мувозанат юзага келишишишга муваффақ бўлди. У зотдан олдингилар ўз тафсирларида фақат нақлга суюнишарди. Тўғри, ақлни ишлатишда Мотуридийдан олдингилар ҳам бор, лекин бу Қуръон тафсири борасида эмас, балки у ақидавий ва фикҳий масалалар борасида эди» (Мотуридий, 2005:329-334).

Охирги изланишларимиз натижасида маълум бўлди, Ҳаким Термизийнинг (820-932) дунё олимлари томонидан «йўқолган», «бизгача етиб келмаган», деб ҳисоблаб келинаётган ушбу тафсири топиб ўрганилганда, юқорида саналган жиҳатларнинг бари унда ҳам борлиги маълум бўлди. Бунга қўшимча тарзда эса муфассир Қуръон ботинидаги ва айрим ҳолларда унинг ҳарфларида чуқур ҳикматларга ҳам тўхтатлани билан ажralиб туради. Гарчи, ушбу тафсир муаллиф вафоти туфайли тугалланмай қолган бўлса-да, у услугуб жиҳатидан янги қирраларни кашф этди ва тафсир илми ривожида, хусусан, Мовароуннаҳрда шаклланган тафсир услугубини шакллантиришда асос манбалардан бирига айланди.

Унинг нодирлиги шундаки, унда Қуръон оятлари оят (72 сура оятлари), ҳадис (160 ҳадис) ва олимларнинг сўзлари (130 дан ортиқ нақллар) билан нақлий жиҳатдан, шунингдек, ақидавий, фикҳий, тасаввуфий, лугавий жиҳатлар, қолаверса, оятларга мустақил фикрий ёндашув

билин ҳам тафсир қилинган. Буларнинг бари эса Ҳаким Термизийнинг улуғ донишманд – ҳакимлик унвонига сазовор бўлиш сабабларини кўрсатиб, тафсир услугбининг ҳам ҳикмат асосида бўлганини мулоҳаза қилиш мумкин. Кейинчалик Қуръони каримни шу тарзда кенг таҳлил этиш Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Абул Баракот Насафий каби улуғ зотларнинг тафсир асарларида ҳам кузатилган ва Мовароуннахр муфассирларининг асосий йўналишига айланиб, ислом дунёсининг бошқа илмий марказларида ҳам бу йўналишининг бошланишига сабаб бўлган. Умуман, бу асар Мовароуннахрда ёзилган илк ёзма тафсирлардан биридир. Абд ибн Ҳумайд (ваф. 863) «Тафсир»и нақлий услубда бўлса, ушбу кенг миқёсли ёзма тафсир борасида эса Термизийни ҳозирги билимларимиз доирасида биринчи, дейиш мумкин.

Худди фиқҳда раъйни ишлатган раъй соҳиблари узоқ вақт таъна қилиниб, сўнг бу ишнинг илмий асослари борлиги маълум бўлганидек, Қуръон тафсирида раъйни ишлатиш борасида ҳам узоқ баҳс мавжуд. Аслида раъй билан илк бор тафсир қилган муфассирлар сифатида Мужоҳид Маккий (ваф. 722) ва Зайд ибн Аслам Маданий (ваф. 753) каби тобеинлар қайд этилади. Шу билан бирга илк асрларда «Ким Қуръон ҳақида раъий билан (бошқа ривоятда: илмсиз) сўз айтса, жойини жаҳаннамдан ҳозирласин», «Ким Қуръон ҳақида раъий билан сўз айтса, тўғри топса ҳам хато қилибди» (Имом Термизий, 2009:3181-83-ракамлар) каби ҳадисларга асосланган ҳолда нақлий тафсир афзал кўриб келинди. Олимларнинг раъй билан тафсир қилиш борасидаги баҳслари самараси шуки, илк асрларда шаклланган мустахкам ва чуқур илмий асослар доирасида тафсир борасида раъйни ишлатиш мумкин ва зарур ҳам. Буни нақл ва ақлни бирлаштириш ҳам, дейилади. Яъни, саодат асри, сахоба, тобеин ва таба тобеинларнинг улкан салоҳияти ва чуқур илмига асосланган услуби рай ва ақл ёрдамида ривожлантирилади. Бунда эса муфассирдан ниҳоятда улкан салоҳият талаб этилади ва биринчи уч асрдаги барча илмий йўналишлар ва уларнинг ҳақиқатидан хабардор бўлиши лозим саналади. Шунинг учун, Мотуридий тафсирида оятларни оят, ҳадис, ақида, фиқҳ, ишорий-мақосидий, лугат, нақлий асосларга кўра тафсир қилиш пойдеворида ақлий йўналиш шакллантирилган. Бундан келиб чиқсан ҳолда раъйни услуб жиҳатдан шакллантирган ва тизимли тарзда кўллаган муаллиф сифатида бугунги кунгача Имом Мотуридий эътироф этиб келинади.

Аммо, таъқидлаш лозимки, Ҳаким Термизий «Тафсир»ининг топилиши бу масалага янгилик олиб кирди. У зот раъй йўналишини ўз тафсирида кўллаб кўрсатиш билан бирга бу масалага ойдинлик киритишига ҳам харакат қилди, бу тафсир илми тарихидаги муҳим ўзгаришларга асос бўлувчи гоя эди. Ҳаким Термизий ушбу ҳадисни келтиради: «Ким Қуръон борасида ўз раъий билан гапирса, ажрга эга бўлмайди. Агар, хато қиласа, жойини дўзахдан ҳозирласин». Сўнг бу ҳадисни кўйидагича изоҳлайди: «Бу шаҳват нопокликлари аралашган ва унинг булатлари соя солган ақлнинг раъиидир (яъни ўшандай ақлни тафсир қилишда ишлатиб бўлмайди). Бунда ақл ҳайронликда қолади. Энди у раъий билан гапирса, агар тўғри топса ҳам ажрга эга бўлмайди. Чунки, у далилсиз сўзламоқда ва ўз ақлига ишончи-суюнчи ҳам йўқ. Унга қандай ҳам ишониб, суюнинки, у Аллоҳдан тўсилиб қолган бўлса?! Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига кулоқ солинг: «Эй Довуд, шаҳватларга боғланиб қолган қалбларнинг ақллари Мендан тўсилгандир» (Термизий, 2023:166-167). Ақлнинг далилларга эга бўлиб, турли ноўрин истак-ҳоҳишлидан пок бўлиши орқали ишончлилик касб этишидан ташқари қалбнинг аҳволи ҳам тафсир илмida муҳим ўрин тутади. Унга кўра, кимки Қуръон тафсири борасида Аллоҳга суюнмаса, шайтон уни адаштиришга йўл топади. У фақат ўзидағи илмга – нафс илмига таяниб қолади, натижада у билан алданиб, Қуръонни нотўғри таъвил қилади. «Аммо, киши ўзига берилган ҳикмат нурига суюнса, у ўша билан Аллоҳнинг каломи таъвилини билади. Қуръонга нурдан бўлган ёпинчиқ ҳам қилинган. Энди кимга ҳикмат нури берилган бўлса, у ўша билан Аллоҳнинг каломига назар қиласа, у билан маоний (маънолар), таъвилот (таъвиллар) ва латоифларга (латиф жиҳатларга) этишга муваффақ қилинади. Шунинг учун Аллоҳ: «Кимга ҳикмат берилса, унга кўп яҳшилик берилган бўлади» (Бақара сураси, 269-оят) деди». Сўнг, Термизий бу йўл билан тафсир ҳақиқатига этиб боришга Абу Бакр разияллоҳу анхунинг «Фуссилат» сурасининг 30-оятини тафсир қилишини мисол сифатида келтиради (Термизий, 2023: 587-588).

Демак, бу ўринларда Қуръон тафсирида раъй ва ақлни ишлатиш борасидаги қоидалар баён қилинмоқда ва буни тафсир илми тарихидаги илк муҳим мулоҳазалардан бири сифатида қайд этиш мумкин. Ҳатто, келтирилган «Бақара» сурасининг 269-оятини ҳам бу масалани дастакловчи омил сифатида кўриш таклиф қилинмоқда ва буни ҳам

иnobатга олиш лозим бўлади. Яна, Термизийга кўра, тафсир борасида биргина илм ва раъйнинг ўзи ҳам кифоя қилмайди, балки тавфики илоҳий ҳам зарур бўлиб, бу илм ва раъйнинг тўғрилиги учун катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бундай тафсир аслан олганда раъй ҳисобланмайди. Термизий тафсирга киришишдан олдин дейди: «...Шундан сўнг. Албатта, ҳар бир фазилат эгасига берилган бу фазилат шукри, уни ишлатиш, бунда Аллоҳ учун самимиятда бўлиш борасида сўралувчидир. Бизга берилган тоқат миқдорида ушбу Қуръон тафсирини бошлишимиз ҳам шу самимиятдандир. Ёрдам борасида Аллоҳ паноҳига шошамиз ва ҳидоят масаласида Унга суннамиз, бунда адашишдан Ундан паноҳ тилаймиз. Ундан тавфик сўраймиз, албатта, тавфиқ илм ва амалдан кўра яхшироқ ёрдамчиридан. Зоро, тавфик бандани ўз хоҳиш-истакларидан улуғ раҳматга олиб чиқади. Биз бу борада ўз раъимиз билан сўзловчи эмасмиз, балки Унинг илмидан берилган илм билан сўзлаймиз. Албатта, ато қилинган илм (ҳаракат или ҳосил қилинган илм) таклиф илмидан ўзга нарсадир. Таклиф илми манбаси мадади сиёҳдан бўлган қаламлардир, ато қилинган илм манбаси эса мадади нурдан иборат қурбат мажлисларидан бўлган ҳадислардир. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: «Умматлар ичидаги муҳаддаслар (илоҳий илҳом ва фаҳм билан сўзлатилувчилар) бор эди. Агар, улар менинг умматимда бўлишса, ўша Умар ибн Хаттобидир» (Термизий, 2023:166). Шундан сўнг Термизий юқорида келтирилган раъй ва унинг тўғри-нотўғри бўлиш сабабларига ўтган.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, Термизийга кўра, Қуръон тафсири борасида илм, ақл ва нурли қалбга асосланган тавфиксик лозим бўлади. Чунки, келтириб ўтилганидек, Термизий нақлий билимларга ҳам кенг ўрин беради, ҳатто тафсирга киришишдан олдин Ибн Аббос, Ибн Масъуд, Мужоҳид, Қатода, Заҳҳок, Зайд ибн Аслам каби муфассирларнинг тафсирларининг ўзигача бўлган санадини баён этади (Термизий, 2023:239). Аммо, шу билан бирга ҳадисларда «Ҳар бир оятнинг зоҳири ва ботини бор» дейилади. Термизийга кўра «Аллоҳ буни (ҳар иккала жиҳатини тушунишни) илм ва ҳикмат берилганлардагина жамлайди». Унинг зоҳирига «ҳаракатга асосланган илм билан, ботинига эса пок қалбга асосланган ҳикмат билан етилади» (Термизий, 2023:201). Демак, маълум бўлмоқдаки, Термизийга кўра, Қуръон тафсири кишидан барча тур илм ва шахсий камолотни жамлашни тақозо қиласида ва шунда у оятларни яхши англаш, тафсир қила олиш малакасига етади.

Ҳаким Термизийнинг Қуръон сўзлари маъноларига бағишинган «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асари ҳам «ўзидан олдин ушбу мавзуда битилган асарларга нисбатан олганда туб бурилиш саналиб, бирор киши ундан илгари қўлламаган услубда битилган, раъй билан тафсир қилинган, бундан олдин эса аксар ҳолларда тафсирида нақлий услубга таянилар эди» (Салво, 1998:23-25).

Холид Захрийга кўра, ишорий тафсир, ақидавий тафсир ва «нахв ал-кулуб» (қалбий нахв) бўйича ҳам ушбу асар илк ёзма манбадир (Термизий, 2023:15). Зоро, унда иродада машийъат орасидаги фарқ, истиво сўзи маъноси, таъвил масаласи, арш ва важҳ масаласидаги эътиқод кабилар баён этилиб, айрим ҳолларда улар алоҳида боб шаклида берилган (Термизий, 2023: 274).

Ушбу асарда «таъвилот» сўзи ҳам тафсирнинг уч жиҳатидан бири сифатида қўлланган: «Агар, кишига ҳикмат нури берилса, у ўша билан Аллоҳнинг каломига назар килса, у билан маоний (маънолар), таъвилот (таъвиллар) ва латоифларга (латиф жиҳатларга) етишга муваффақ қилинади» (Термизий, 2023:587). Бунда лугат илмининг нозик жиҳатларини билиш, бунинг асосида таъвилни тушуниш, шундан сўнг латиф маъноларни англаш етишдан иборат усул ҳам тақдим этилмоқда. Шунингдек, Имом Мотуридий «Таъвилот»да келтирган «Фотиҳа» сурасидаги «ал-Ҳамд» сўзининг тафсирида муаллиф дейди: «Баъзилар деди: «Албатта, Аллоҳ ўзига ҳамд айтди». «Бунга шундай маъно ҳам бериш мумкинки, мақтови улуг бўлган зот ўзига ҳамд айтди ва бу билан Зоти или ҳамдга ҳақлилигини халққа билдири» (Мотуридий, 2005:349-357). Бу эса Ҳаким Термизий ўз «Тафсир»ида ушбу сўз борасида кенг шарҳлаган маъно сиёқига мувофиқдир (Термизий, 2023: 265-271) ва эътиборли жиҳати Мотуридий ушбу шарҳни икки ўринда ҳам «ал-Ҳамд» сурасининг дастлабки тафсири сифатида келтирган ва «баъзилар»дан мурод Термизий бўлиши мумкин.

Хуллас, Ҳаким Термизий тафсирида янги жиҳатлар кўп, буни китобхон яхши англаш олиши мумкин. Умуман, нашр доирасида қуйидаги ишлар бажарилди:

1. Асарга унинг мазмунини тушунишни осонлаштирувчи ва аҳамиятини ёритиб берувчи муқаддималар қилинди;
2. Оятлар Мадина мусҳафига мувофиқ тарзда қўйиб чиқилди ҳамда уларнинг сураси ва оят ракамлари кўрсатилди;

3. Китоб матнида келган 160 та ҳадис батафсил таҳриж қилинди – манбаси кўрсатилиб, ишончлилик даражаси баҳоланди;

4. Китоб матнида келган 256 нафар шахснинг ҳар бирининг ўнга яқин манбалар асосидаги қиёсий-таҳлилий таржимаи ҳоллари келтирилди;

5. Китобда саҳоба ва салафи солиҳлардан ривоят қилинган 133 та ривоят бўлиб, уларнинг манбасига фақат лозим ўриндагина тўхталинди;

6. Изоҳ қисмида келтирилган барча тур маълумотларнинг манбаси: асар жилди, бети ва рақамлари кўрсатилди;

7. Асарда келган маъноси дақиқ сўзлар араб тилининг мўътабар луғат манбаларидан фойдаланган ҳолда изоҳланди;

8. Оят, ҳадис ва асар (ривоятлар)нинг кўрсаткичлари тайёрланди;

9. Китоб сўнгиди асар тадқики давомида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилди. Ушбу тадқикий нашр доирасида 210 адабиётдан фойдаланилди, мингдан ошик ҳаволалар берилди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиш мумкинки, ушбу тафсир келажакда ҳар томонлама ўрганилиши ва алоҳида тадқиқот обьекти сифатида чуқур таҳлил этилиши лозим бўлади. Унинг ўзбек тилидаги илмий-изоҳи таржимасини амалга ошириш ҳам галдаги муҳим вазифадир. Уни қўлёзмадан тўғридан-тўғри ўзбек тилига ўгирилмаганига, балки барча куч ва дикқат асарни араб тилида нашрга тайёрлашга қаратилганига икки сабаб бор:

1. Аввало, ушбу асарнинг араб тилидаги матнини етук мутахассислар билан ҳамкорликда тўла-тўқис аниқ-равшан ҳолга келтириш. Зеро, ана шундагина тўғри таржима учун ҳақиқий асос яратилган бўлади;

2. Ушбу асар дунё миқёсида узоқ кутилган янгилик бўлгани учун уни бутун дунё мусулмонлари ва жаҳон миқёсдаги тегишли соҳа тадқиқотчиларига аслиятда тақдим этиш.

Келажакда қўлёзмаларни тадқиқ этиш жараённида бу икки жиҳатни хисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, мақсадларимиздан яна бири юртимизда қўлёзмаларнинг танқидий матнини яратиш ва нашрга тайёрлаш ишларига жиддий туртки бериш ҳам эди. Зеро, мана шу каби ишлар орқали ташкил этилаётган илмий марказларимиз «халқаро» унвонига мувофиқлик касб этишлари ва уларнинг жаҳон илм-фанига

интеграцияси кучайиб, умумбашарий маънавий меросга муносаб ҳисса қўшишлари мумкин бўлади. Қолаверса, бу турдаги тадқиқотлар ҳар томонлама етук мутахассисларнинг шаклланишига ҳам хизмат қиласи ҳамда манбашунослик, матншунослик ва исломий илмлар ривожини янги босқичга кўтаради. Умуман олганда эса, келажакда аждодларимиз меросининг қўлёзмаларда қолиб кетаётган қисмини ўрганиш илм-фанимиз ва қадриятларимиз учун янги истиқболларни очади ва диний-маърифий соҳадаги улкан ютуқларнинг мустаҳкам пойдевори бўлади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр Ҳаким Термизий (2023). Китоб тафсир ал-Қуръон ал-мусаммо Баҳр ат-тафсир. Ва талийхи муқтатофат мин тафосир ал-Ҳаким ат-Термизий либаъз ал-оёт. Жўрабек Чўтматов тадқики. Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабия. Биринчи нашр.
2. Рисолатон мансубатон лил-Ҳаким ат-Термизий (2005). Маъсала фий ҳалқил-инсан. ар-Рисала фий ҳалқил-адамий. Холид Заҳрий ва Женевьев Кобило тадқики. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. Биринчи нашр.
3. Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий (2005). Таъвилоту аҳл ас-сунна. Х. Маждий Босаллум тадқики. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. Биринчи нашр.
4. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захҳок Термизий (2009). ал-Жомеъ ал-кабир. Шуъаб ал-Арнаут ва бошқалар тадқики. Байрут: Дор ар-рисала ал-аламийя. Биринчи нашр.
5. Абулҳасан Али бин Үсмон бин Абу Али Жуллобий Ҳужвирий Ғазнавий (1974). Кафҳ ал-маҳжуб. П. Исъад Абдулҳодий Қандил тадқики ва форсчадан арабчага таржимаси. Искандария: Мактаба ал-искандарија.
6. Абулбаракот Нуриддин Абдураҳмон ибн Низомиддин Накшбандий Жомий. Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-кудс (1989). Форс тилидан араб тилига таржима. Қоҳира: Азҳари шариф.
7. Алишер Навоий (2001). Насойим ул-муҳаббат. XX. Нашрга тайёрловчилар Ғаниева С., Мирзаҳмедова М. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С. Рафидинов. Тошкент: Фан. XVII.
8. Зайниддин Абдураҳмон ибн Аҳмад ибн Ражаб ибн Ҳасан Саломий Бағдодий Димашқий Ҳанбалий (2005). Зайл табақот ал-ҳанабила. Абдураҳмон ибн Сулаймон тадқики. V. Риёз: Мактаба ал-абийкон. Биринчи нашр.

9. Аҳмад ибн Мұхаммад Аднаҳвай (1997). Табақот ал-муфассириң. Сулаймон ибн Солих тәдкүккі. Мадина: Мактаба ал-улум вал-хикам. Бириңчи нашр.
10. Абдулмухсин Ҳусайн (1968). ал-Маърифа ъинда ал-Ҳаким ат-Термизий. Қохира: Дор ал-котиб ал-арабий.
11. Солих ибн Абдулазиз ибн Али Ҳанбалий Бурадий (2001). Тасхил ас-сабила ли-мурид маърифа ал-ҳанабила ва йалийхи фант ат-тасхил. IV. Бакр ибн Абдуллоҳ Абу Зайд тәдкүккі. Байрут: Muassasa ар-рисала. Бириңчи нашр.
12. Карл Броккелман (1977). Тарих ал-адаб ал-арабий. VI. Араб тилига Абдулхалим Нажкор, Сайид Яъкуб Бакр, Рамазон Абдутаввоб таржимаси. Қохира: Дор ал-маориф. Бешинчى нашр.
13. Louis Massignon (1997). *Essay on the origins of the technical language of Islamic mysticism* (translated from the french with an introduction by Benjamin Clark). University of Notre Dame Press, Notre Dame. Indiana.
14. Ал-Фиҳр ис аш-шомил лит-турос ал-арабий ал-исломий ал-махтут: улум ал-Қуръон, маҳтутот ат-тағсир ва улумуху (1989). Ал-Мажмәъ ал-мүлکий ли-бухус ал-ҳазора ал-исламийя. Уммон, ал-Мажмәъ ал-мүлکий.
15. Ҳикмат Башир Ёсин (2001). Истидрокот ала тарих ат-турос ал-арабий. Саъудия: Дор Ибн Жавзий. «Тағсир ва Қуръон илмлари қисми», II. Бириңчи нашр.
16. Салво Мұхаммад Авво (1998). ал-Вужух ван-назоир фил-Қуръан ал-Карим. Қохира: Дор аш-шурук. Бириңчи нашр.
17. Salih Çift (2008). *Hakim Tirmizî ve tasavvuf anlayışı*. Istanbul, İnsan yayınları.
18. Холид Захрий (2013). Ҳакиму Ҳурносон аниң аз-замон. Мұховала ли-совғ сийра библиография лил-Ҳаким ат-Термизий. – Работ: Маншурот ар-робита ал-мұхаммадийя лил-улама. Бириңчи нашр.
19. Nicolas Heer. (1959). «Some biographical and bibliographical notes on al-Hakim al-Tirmidhi», *The world of Islam. Studies in honour of Philip K. Hitti*. Edited by James Kritzeck and R. Bayly Winder. London. Muhammad Khalid Masud. «Al-Ҳаким Al-Tirmidhi's Buduvv Ша'н», *Islamic Studies*, vol. 4, no. 3, Islamic Research Institute, International Islamic University, Islamabad, 1965.
20. Muhammad Xolid Masud. (1965). «Al-Hakim at-Termiziyying Buduvv Ша'н», Islomshunoslik, J. 4, Islomobod: Xalqaro islom universiteti.
21. Muhammad Ibraheem al-Geyoushi. (1970). «Al-Hakim al-Tirmidhi: his works and thoughts», *Islamic Quarterly*, vol. 14, no. 4, London.
22. Ҳикмат Башир Ёсин. (1986). «Истидрокот ъала китаб тарих ат-турос ал-арабий фий кутуб ат-тағсир». Мажалла ал-Жамиа ал-исламий (Islamic University).
23. Mehmet Faruk Çifçi. (2015). «*İmam en-Neccâr ve Şerhu nahvi'l-bedv adlı eseri (Hakim et-Tirmizî'nin file dayalı nahiv teorisi)*», *The Journal of Academic Social Science Studies (JASSS)*, International Journal of Social Science, vol. II, no. 31, Turkey, winter.
24. Mehmet Faruk Çifçi. (2017). «*İmam en-Neccâr'in şerhu'n-nahv fi 'ilmi'l-bedv adlı eseri (Hakim et-Tirmizî'nin file dayalı nahiv teorisi)*», *e-Şarkiyat İlmi Araştırmalar Dergisi, Journal of Oriental Scientific Research (JOSR)*, cilt: 9, sayı:1 (17), Türkiye, nisan.
25. Shayx Imam Abu Abdulloh Muhammad ibn Ali Termiziy. Kitob fiyhı tafsır sura al-Fotiha va oyat min sura al-Baqara. Qo'lyozma. Burdur milliy kutubxonasi, 143-raqam.

REFERENCES

1. Abu Abdullah Muhammad ibn Ali ibn Hasan ibn Bishr Hakim Tirmidhi (2023). *Kitab tafsir al-Qur'an al-musamma bahr at-tafsir. Wa talihi muqtatafat min tafasir al-Hakim al-Tirmidhi li-ba'zil verse*. Research by Jurabek ibn Aman. – Beirut: Dar al-kutub al-arabiya. First edition.
2. Risalatani mansubatani lil-Hakim al-Tirmidhi (2005). *Mas'alâ fi khalqil-insan. ar-Risala fi khalkil-adamiy*. Research by Khalid Zahri and Genevieve Kobilo. – Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya. First edition.
3. Abu Mansur Muhammad ibn Muhammad ibn Mahmud Moturidi (2005). *Ta'wilatu Ahl al-Sunnah*. X. Research by Majdi Basallum. – Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya. First edition.
4. Abu Isa Muhammad ibn Isa ibn Sawra ibn Musa ibn Zuhhak Tirmidhi (2009). *al-Jami' al-kabir*. Research by Shu'ayb al-Arnaut and others. – Beirut: Dar ar-risala al-alamiyya. First edition.
5. Abulhasan Ali bin Usman bin Abu Ali Jullabi Hujviri Ghaznavi (1974). *Kashf al-mahjub*. II. Is'ad Abdulhadi Qandil study and translation from Persian to Arabic. Alexandria: Maktaba al-iskandariyya.
6. Abulbarakot Nuriddin Abdurrahman ibn Nizamiddin Naqshbandi Jami. *Nafahat al-uns min hazarat al-quds* (1989). Persian to Arabic translation. Cairo: Azhari Sharif.
7. Alisher Navoi (2001). *Nasayim ul-muhabbat*. XX. Preparers for publication S. Ganieva, M. Mirzaahmedova. translated the Arabic and Persian texts and prepared them for publication and was the responsible editor. S.Rafiddinov. Tashkent: Fan. XVII.
8. Zayniddin Abdurrahman ibn Ahmad ibn Rajab ibn Hasan Salami Baghadi Dimashqi Hanbali. (2005). *Zayl tabaqat al-hanabila*. Research by Abdurahman ibn Sulaiman. V. Riyad: Maktaba al-abiykon. First edition.
9. Ahmad ibn Muhammad Adnahwai (1997). *Tabaqat al-mufassirin*. Research by Sulayman ibn Salih. Medina: Maktaba al-ulum wal-hikam. First edition.
10. Abdulmuhsin Huseyni (1968). In *Al-Ma'rifa 'inda al-Hakim at-Tirmidhi*. Cairo: Dar al-katib al-arabi.

11. Salih ibn Abdulaziz ibn Ali Hanbali Buradi (2001). *Tashil as-sabila li-murid ma'rifa al-hanabila wa yaliyhi fait at-tashil*. IV. Research by Bakr ibn Abdullah Abu Zayd. Beirut: Muassasa ar-risala. First edition.
12. Carl Brockelman (1977). *Tarikh al-adab al-arabi*. Translated into Arabic by Abdulhalim Najjar, Sayyid Ya'qub Bakr, Ramazan Abdutawwab. VI. Cairo: Dar al-ma'arif. Fifth edition.
13. Louis Massignon (1997). *Essay on the origins of the technical language of islamic mysticism* (translated from the french with an introduction by Benjamin Clark). University of Notre Dame Press, Notre Dame. Indiana.
14. Al-Fihris ash-shamil lit-turos al-arabi al-islami al-makhtut: ulum al-Qur'an, makhtutot at-tafsir wa ulumuhi (1989). *Al-Majma' al-mulki li-buhus al-hazora al-islamiyya*. Oman, al-Majma' al-Mulki.
15. Hikmat Bashir Yasin (2001). *Istidrokot ala tarikh at-turos al-arabi*. Saudi Arabia: Dar Ibn Jawzi. «Part of Tafsir and Qur'anic Sciences», II. First edition.
16. Salvo Muhammad Awwa (1998). *al-Wujuh van-nazair fil-Qur'an al-Karim*. Cairo: Dar ash-Shuruk. First edition.
17. Salih Çift (2008). *Hakim Tirmizi ve tasavvuf anlayışı*. Istanbul, İnsan yayınları.
18. Khalid Zahri (2013). *Hakimu Khorasan anis az-zaman. Muhavala li-sowg' siyra bibliographyya lil-Hakim at-Tirmidhi*. – Rabat: Manshurot ar-rabita al-muhammadiyya lil-ulama. First edition.
19. Nicolas Heer. (1959). «Some biographical and bibliographical notes on al-Hakim al-Tirmidhi», *The world of Islam. Studies in honour of Philip K. Hitti*. Edited by James Kritzeck and R. Bayly Winder. London.
20. Muhammad Khalid Masud. (1965). «Al-Ḥakīm Al-Tirmidhī's Buduww Shā'n», *Islamic Studies*, vol. 4, no. 3, Islamic Research Institute, International Islamic University, Islamabad.
21. Muhammad Ibraheem al-Geyoushi. (1970). «Al-Hakim al-Tirmidhi: his works and thoughts», *Islamic Quarterly*, vol. 14, no. 4, London.
22. Hikmat Bashir Yasin. (1986). «Istdirakat 'ala kitab tarikh at-turath al-arabi fi kutub at-tafsir». *Majalla al-Jami'a al-Islamiyya* (Islamic University).
23. Mehmet Faruk Çifçi, (2015). «Imam en-Neccâr ve Şerhu nahvi'l-bedv adli eseri (Hakim et-Tirmizi'nin file dayali nahiv teorisi)», *The Journal of Academic Social Science Studies (JASSS)*, International Journal of Social Science, vol. II, no. 31, Turkey, winter.
24. Mehmet Faruk Çifçi, (2017). «İmam en-Neccâr'in şerhu'n-nahv fi 'ilmî'l-bedv adli eseri (Hakim et-Tirmizî'nin file dayali nahiv teorisi)», *e-Şarkiyat İlmi Araştırmalar Dergisi*, Journal of Oriental Scientific Research (JOSR), cilt: 9, sayı:1 (17), Türkiye, nisan.
25. Shaykh Imam Abu Abdullah Muhammad ibn Ali Tirmizi. Kitab fiyhi tafsir surotul-fatiha va ayatun min surotul baqarah. Manuscript. Burdur National Library, 143 numbers.



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўкув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,
мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK

The Maturidiyya - الماتریدیۃ - Матуридизм

4/2023

Бош мұхаррір: **Ж.Каримов**

Мұхаррір: **З.Фахриддинов**

Нашир учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар мұхарріри: **О.Сотвоздиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiyuz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишига 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими $60 \times 84 \%$.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.
Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 20.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية